

Захира тўғрисида МАЪЛУМОТ

“Ўзбекизоқовқатзахира” уюшмаси сайтида нашр этилган (<https://uzsavdo.uz>)

2018-12-10 12:16

Аҳолининг қиш ва баҳор ойларида асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш ҳамда ички истеъмол бозорида нархлар барқарорлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 25 октябрдаги 866-сонли қарорига биноан республика бўйича **501 минг 177 тонна** асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари захирага жамғариш белгиланган.

Шундан картошка – **222,4 минг тн**, пиёз – **120,6 минг тн**, сабзи – **91,6 минг тн** ва гуруч **60,5 минг тн**.

“Ўзбекизоқовқатзахира” уюшмаси зиммасига **140 минг тонна** захира режаси белгиланган, шу жумладан картошка **51,2 минг тн**, пиёз – **25,9 минг тн**, сабзи – **32,6 минг тн**, гуруч **30,2 минг тн**.

Республика бўйича захирага маҳсулотларни харид қилиш юзасидан **248,5 млрд.** сўмлик шартномалар тузилди ва **56,5 млрд.** сўм бўнак тўланди.

Маҳсулотларни узоқ муддат сифатли сақлаш учун жойлардаги омборлар хатловдан ўтказилди. Хатлов натижасига кўра уюшма корхоналаридаги мавжуд жами **165 минг тн** омборлар, шулардан **65 минг тн** совутгичли сифимлар мавсумга тайёр ҳолатга келтирилди ва захира тадбирига жалб қилинди.

Жорий йил 10 декабр кунига уюшма таркибидаги корхоналар томонидан қарийб **55 минг** тонна маҳсулотлар захирага ғамланди. Бундан ташқари четдан **73 минг тн** картошка ва **75 минг тн** гуруч келтириш бўйича тегишли ишлар амалга оширилиб, маҳсулот келтириш бошланди.